Таом ҳозир бўлганда намоз йўқ. Уни икки (томондаги) чиқинди қистаб турганда ҳам», дедилар

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Таом ҳозир бўлганда намоз йўқ. Уни икки (томондаги) чиқинди қистаб турганда ҳам», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам овқат ҳозир бўлгач нафси интилиб, қалби унга боғланган ҳолда намоз ўқишдан қайтардилар. Шунингдек икки томондаги чиқинди, яъни бавл ва ғоит қистаб турганда ҳам намоз ўқишдан қайтардилар. Чунки уларни тўсиш билан намоздан машғул бўлиб қолади.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3088